

5-10-2019

THE PROCESS OF DEMOCRATIZING LOCAL COMMUNITY IN THE GOVERNMENT

Bakhriddin Talapov

Candidate of philosophy, Associate professor

Elyorjon Gapparov

Teacher Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Talapov, Bakhriddin and Gapparov, Elyorjon (2019) "THE PROCESS OF DEMOCRATIZING LOCAL COMMUNITY IN THE GOVERNMENT," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 2 , Article 106.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss2/106>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE PROCESS OF DEMOCRATIZING LOCAL COMMUNITY IN THE GOVERNMENT

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ МАҲАЛЛИЙ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Талапов Бахриддин Алижанович
Тарих фанлари номзоди, доцент
Гаппаров Элёржон Отабекович,
ўқитувчи
Наманган давлат университети

***Аннотация:** Мазкур мақолада жаҳон миқёсида кечаётган демократлаштириш жараёнлари ва мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг ўзаро уйғунлиги, унинг ўзига хос хусусиятлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятини демократлаштириш соҳасидаги амалиёт назарий жиҳатдан умумлаштирилган, таҳлилий ва амалий характердаги таклифлар баён қилинган.*

***Калит сўзлар:** Демократик тараққиёт, давлат ҳокимияти, сиёсий жараёнлар, иқтисодий манфаатлар, давлат бошқаруви, халқ қабулхоналари, фуқаролик жамияти.*

ПРОЦЕССЫ ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МЕСТНЫХ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ОРГАНОВ

Талапов Бахриддин Алижанович
Кандидат исторических наук, доцент
Гаппаров Элёржон Отабекович,
преподаватель

Наманганский государственный университет

***Аннотация:** В данной статье с теоретической точки зрения обобщаются происходящие социально-экономические реформы в нашей стране в неразрывной связи с демократическими процессами в глобальном масштабе. Раскрываются особенности демократизации деятельности государственных органов и органов управления, общается практика накопленной данной сфере. Даются ценные предложение имеющие теоретического и практического значения.*

***Ключевые слова:** Демократическое развитие, местных власти государственных органов, политические процессы, экономические интересы, государственное управление, народные приёмные, гражданское общество*

THE PROCESS OF DEMOCRATIZING LOCAL COMMUNITY IN THE GOVERNMENT

Talapov Bakhriddin Alijanovich
Candidate of Philosophy, Associate Professor
Gapparov Elyorjon Otabekovich,
teacher

Namangan State University

***Abstract:** This article is dedicated to process of democratizing and combination of social-political reformation in our country and its special features, different types of offers and solutions are given relating to the government and management.*

Key words. Development of democracy, state government, political processes, economical profits, managing state, society.

Жаҳон амалиёти ва мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёни шуни кўрсатамоқдаки, демократик қадриятлар ва қарашлар ўзи - ўзидан ҳокимият органлари ва унинг раҳбарлари, ходимлари фаолиятида шаклланмайди, хатто энг демократик Конституция ва қонунларнинг мавжуд бўлиши ҳам уларни жамиятда тўғридан – тўғри қарор топтира олмайди.

Мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ташкилий, сиёсий-ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамланди, уларни жамиятни демократлаштириш-га қўшаётган ҳиссалари ва жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллиги йилга-йилга ошиб бормоқда.

Мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг таҳлили шуни кўрсатамоқдаки, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллиги амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш борасидаги кенг қўламли ислохотлар натижасида кенгаймоқда. Янгича шароитларда меҳнаткашлар манфаатларини ифодаловчилар сифатидаги бошқарув идоралари билан хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро муносабатлар янгича принципларга, кўпроқ ўзаро фойдали асосдаги иқтисодий манфаатлар принципларига асосланади.” [7]. Демак, иқтисодий манфаатдорлик, хўжалик субъектларининг ҳуқуқларини кенгайтиши, шартномавий муносабатларнинг қўлланиши жойларда демократик бошқаришга олиб келади.

Айни вақтда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев халқ билан ўзининг сайлов олди учрашувларида ва 2016 йил 25 сентябрда ташкил этилган Бош вазирнинг интернет тармоғидаги электрон қабулхонасига фуқароларимиздан минглаб келиб тушган ариза, шикоят ва таклифларни чуқур ўрганиш натижасида давлат ҳокимияти маҳаллий органлари фаолиятида қатор камчилик ва муаммолар борлиги ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимизга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу ўринда асосий муаммо, менинг назаримда, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва халқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда.

Иккинчидан, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишда юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда.

Ва ниҳоят **учинчи** асосий камчилик – кўпчилик раҳбарларнинг мураккаб муаммоларни кабинетдан чиқмасдан, иқтисодиёт тармоқлари, ҳар бир корхонадаги, шаҳар ва туманлардаги, айниқса қишлоқ жойлардаги ишлар қандай аҳволда эканини чуқур ўрганмасдан ҳал этишга одатланиб қолганлиги билан боғлиқ.” [2].

Шу боисдан ҳам, Ҳаракатлар Стратегиясида “Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишда давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини давлат

бошқарувининг марказлаштиришдан чиқариш” масаласига алоҳида эътибор берилди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотлар самарасини таъминлаш, кўп жиҳатдан марказлашган бошқарувдаги асосий вазифаларни жойларга, вилоят, туман ва шаҳарлардаги давлат ҳокимияти органларига ўтказишга боғлиқ. Зеро, бошқарув вазифаларининг асосий қисмини, марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар ва туманлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ўтишни таъминлаш ва шу тариқа бу босқич аста-секин ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боришини назарда тутати. Демак, марказий бошқарув идораларининг асосий иқтисодий, маънавий-маданий ва ижтимоий-тарбиявий соҳадаги вазифалари маҳаллий ҳокимиятларга аста-секин ўтказилиши, шу тариқа давлат бошқарувида бевосита иштирок этадиган субъектлар доираси кенгайтирилиши зарур. Маълумки, 2018 йилда Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида давлат бошқарувининг янги тартиби жорий этилиб, шаҳар ҳокими ва туман ҳокимларига молия, иқтисодиёт, инвестиция, қурилиш, уй-жой ва коммунал хизмат соҳалари раҳбарларини тайинлаш ваколати берилди. Натижада 30 дан ортиқ комиссия ва кенгашлар тугатилиб, уларнинг ваколатлари тегишли ҳудудий органларга берилди. Самарасиз ишлаётган 12 та давлат унитар корхонаси тугатилди. Давлат бюджетига тушадиган маблағларнинг бир қисмини маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдириш тартиби ўрнатилгани туфайли Тошкентда солиқ тушуми прогнозга нисбатан 2 триллион сўмга кўпайди. Давлат бошқаруви соҳасида ижобий натижа бераётган ана шу экспериментни энди бошқа ҳудудларда ҳам жорий этишимиз зарур. [3].

Бу давлат бошқарув органлари фаолиятини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий йўлидир. Фуқаролик жамиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умуммиллий манфаатларга даҳдор энг муҳим вазифаларнигина амалга оширади. Мудофаа, давлат ҳавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия ва солиқ тизимини шакллантириш, қонунчиликни ривожлантириш шулар жумласидандир. Бироқ бу марказлашган бошқарувдан мутлақ воз кечиш керак деган фикрга олиб келмайди. Давлат мавжуд экан у мудом марказлашган бошқарувга эҳтиёж сезади. Бу ўринда гап давлат бошқарувини демократлаштириш, бошқариш субъектларининг доираларини кенгайтириш ва фаоллаштириш устида кетиши мумкин.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларига чуқур кириб, илдиз отиб бормоқда. Бу жараёнлар кишилар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги алоқаларга таъсир этмай қолмайди, бироқ у эгоизм, корпоратив манфаатларга хизмат қилиш, ҳатто бошқаларнинг ҳуқуқларини паймол қилувчи ҳолларни келтириб чиқариши, натижада демократияни эмас, балки олигархияни, тенг ҳуқуқликни эмас зўравонликни юзага келтириши ҳам мумкин.

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган тараққиётнинг ўзбек модели ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг фаолиятини такомиллаштириш айнан ана шундай ноҳуш ҳолатларни олдин олишга қаратилганлиги билан характерлидир. Бундай сиёсат натижасида, собиқ иттифоқ ҳудудидаги бошқа

мамлакатлардан фарқли равишда, Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табақланиши мавжуд эмас. Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. Жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган бу кўрсаткич халқаро меъёрларга кўра 10 баробар қилиб белгиланган. [1].

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев давлат идоралари, унинг раҳбарларини жойларга чиқиб одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш зарурлигини қайта- қайта такрорладилар. Бу эса аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб уқтирдилар ва “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган долзарб вазифани барча бўғин раҳбарлари олдида кўйдилар[4].

Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари тизими фаолиятида 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилиши, ҳар бир туман ва шаҳарда “Халқ қабулхоналари” нинг ташкил этилиши шаклан ва мазмунан янги амалиёт эканлигини қайд этиш лозим. Орадан қисқа вақт ўтган бўлсада, жойларда янги ташкил этилган халқ қабулхоналари ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Шу ўринда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари фаолиятидаги мавжуд бир муаммо хусусида тўхталиш ўринлидир. Чунончи, ҳозирда халқ депутатлари кенгашлари ҳокимларга бўйсунди. Бу эса амалда туман ва шаҳар ҳокимларининг ўзлари қабул қилган қарорларини ўзлари бажарилишини назорат қилишлари ва масъул эканликларини билдиради. Бундай ҳолат, муаллиф фикрича, халқ вакилларининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга тўлиқ имкон бермайди, уларни ҳокимнинг яққа раҳбарлиги остида ишлашга мажбур қилади ва бошқарувнинг демократик моҳиятини йўқотади. Ҳақиқатан ҳам маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқий мустақил бўлган сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларини ўзига бўйсундириш, уларни функцияларига кирмайдиган ишларга жалб этишга уринишлари учраб турибди. Бу эса демократик институтларнинг шаклланишига ҳам, фаолиятига ҳам халақит беради. Келгусида эса ҳокимнинг айнаи вақтда Халқ депутатлари кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатишига доир тартиб бекор қилиниши лозимлиги давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан алоҳида қайд этилди [3]. “Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин” [5].

Бугун давлат ҳокимияти маҳаллий органларини замонавий, демократик тафаккурга ва бошқариш усулларига эга ёш кадрлар билан тўлдириш долзарб масалалардан биридир. Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган замоннинг илғор талабларига жавоб беридиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш

керак. Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидойи, изланувчи ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур. Шу билан бирга, давлат хизмати институтини ислоҳ этиш, давлат хизматчиларининг моддий ва ижтимоий таъминоти, уларнинг касбий тайёргарлигини тубдан такомиллаштириш, бу соҳага янигча фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрларни жалб этиш бўйича тизим яратилиши кўзда тутилмоқда[6].

Демократик тараққиёт бутун жамият изланишларининг, халқ меҳнатининг пировард натижаси бўлади. Давлат ҳокимияти органлари, институтлари ушбу изланишларни тезлаштириши ҳам, уларга тўсиқ бўлиши ҳам мумкин. Демократик тараққиёт бутун инсониятнинг, тараққийпарвар кучларнинг истаги, иродаси, ифодаси, ҳаётий мақсадига айланган экан ушбу глобал воқелиқдан Ўзбекистон Республикаси ва унинг халқи ҳам чеккада қола олмайди. Бизда демократияни ҳаёт тарзига айлантиришга қодир ҳуқуқий институтлар ва механизмлар ҳам, халқни демократик тараққиётга бўлган интилишини амалда қўллаб-қувватловчи сиёсий институтлар ҳам ташкил этилган. Ҳозирги вазифа ушбу механизмлар ва институтларни ижтимоий-сиёсий тараққиётга янада самаралироқ хизмат қилишини таъминлашдир. Зеро, Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг моҳияти ҳам мавжуд механизмлар ва институтларнинг модернизациялашаётган ижтимоий ҳаёт талабларига мувофиқ фаол ишлашига эришишга қаратилгандир.

References

1. Karimov I. 2015 yilda iqtisodiyotimizda tub tarkibiy ўzgarishlarni
2. amalga oshirish, modernizatsiya va diversifikatsiya jarayonlarini izchil davom ettirish xisobidan xususiy mulk va xususiy tadbirkorlikka
3. keng yўl ochib berish – ustivor vazifamizdir. VMning majlisidagi mahruzasi// Xalq sўzi, 2015 yil 17 yanvarg'
4. Mirziyoev SH.M. Tanqidiy taxlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – qar bir rahbar faoliyatining kundalik qoidai bўlishi kerak. –T.: O'zbekiston, 2017. 10 bet.
5. Mirziyoev SH.M Ўzbekiston Res'ublikasi Prezidentining Oliy Majlisga Murojaatnomasi. 28.12.2018.// Xalq sўzi, 2018 yil 29 dekabrg
6. Mirziyoev SH.M. Qonun ustivorligi va inson manfaatlarini tahminlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. –T.: O'zbekiston, 2017. 16 bet.
7. Mirziyoev SH.M. Qonun ustivorligi va inson manfaatlarini tahminlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. –T.: O'zbekiston, 2017. 19 bet
8. Mirziyoev SH.M. Qonun ustivorligi va inson manfaatlarini tahminlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. –T.: O'zbekiston, 2017. 19 bet.
9. Jalilov SH. Davlat hokimiyati maxalliy organlari islohoti: tajriba va muammolar. –T.: O'zbekiston, 1994. 58 bet.